



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛИБ ТУРГАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда глобал парламентлараро ҳамкорлик халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонгни қабул қилди.

Мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан шериклигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ислохотларни илгари суриш ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда конструктив мулоқотни давом эттириш ва яқин

ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон иттифоқ ишидаги иштирокини 2017 йилда қайта тиклагани ва бугунги кунда унинг ижроия тузилмаларида тўлақонли қатнашаётганини таъкидлаш жоиз. Бу йил Олий Мажлис томонидан Парламентлараро иттифоқ билан кўп қиррали муносабатларни

мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ҳужжат қабул қилинди.

Ўз навбатида, Бош котиб Мартин Чунгонг мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантиришдаги сезиларли ютуқларни қайд этди ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги глобал ташаббусларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Илгор хорижий тажрибани кенг алаштириш ва кўп томонлама ҳамкорликнинг катта салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида қатор халқаро тадбирларни биргаликда тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### ЗАМОНДОШ

## “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” БАХШ ЭТГАН ҚАНОТ



Кийим-кечак ва рўзгорга зарур маҳсулотларни харид қилиш учун яқшанба куни пойтахтимиздаги буюм бозорига йўл олдим. Бозорга кириб борганимда кун пешинга оққан, ҳаво анча қизиган палла эди. Одам ниҳоятда гавжум, ҳамма ўзига керакли маҳсулотнинг арзон ва сифатлисини излайди. Олдимда кетаётган она ва болаларининг ҳатти-ҳаракати эътиборимни тортди. Болаларни кийим-кечакдан кўра, мактаб ўқув қуроллари, спорт жиҳозлари, ўйинчоқлар кўпроқ қизиқтиради. Она эса уларга ёзги кийимлар харид қилиш тараддудида расталарни кўздан кечиради.

Бир маҳал болалардан бири “Анаву сумкачаларни қаранг, ўртоғимда айнан шунақаси бор эди, менга ҳам олиб берасиз”, деб хараша қила бошлади. Она боласини тинчлантиришга уринди, лекин у кўнмагач, “Болам, бу сумкалар жуда қиммат бўлса керак”, дея расталарга яқинлашди. Дарҳақиқат, сумкачалар бежирим, дизайни ҳар қандай

харидорни, айниқса, болаларни ўзига жалб этмай қолмайди. Мен ҳам уларнинг нархи камида 70-80 минг сўм бўлса керак, деган ўйда растага яқинлашдим. Сотувчи бир-бирдан чиройли ва сифатли маҳсулотларини растага ёйиб, уларнинг болалар учун қулайликларини сўзлай кетди.

▶ Давоми 3-бетда

### ХАЛҚАРО ФОРУМ ОЛДИДАН

## МДҲДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ФАОЛЛАШАДИ



Ахборот хавфсизлиги бўйича МДҲ халқаро экспертлар онлайн форуми, Тошкент, 2021 йил 29 июнь

Шу йил 29 июнь куни Тошкент яна бир халқаро тадбирга меъзолик қилади. Бу ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича МДҲ эксперт форумидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида форумга тайёргарлик жараёни, уни ўтказишдан мақсад ва қутилаётган натижалар ҳақида маълумот берилди. Халқаро форум Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МДҲ Ижроия қўмитаси кўмагида ташкил этилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ – АМАЛДА

## МИЛЛИЙ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ НИМА УЧУН МУҲИМ?

Ўзбекистондаги ислохотларнинг аниқ натижаларидан бири — халқ билан ҳукумат ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилди, одамларнинг орзу-умидлари қарор қабул қилувчи тизимнинг юқори поғонасида акс-садо беришидир. Албатта, бунда давлатнинг сиёсий иродаси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аммо инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги саяё-ҳаракатларга қарамай, афсуски, бугун ҳам айрим ҳолларда қийноқларни қўллаш ҳолатлари учраб турибди. Бу, ўз навбатида, жамоатчиликнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида “тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур”лигига бежиз жиддий эътибор қаратмади. Давлатимиз раҳбари ўта салбий бундай ҳолатларни тўлиқ бартараф этиш бўйича бир қатор зарур чораларни ҳам санаб ўтди. Президентимиз ушбу масалани БМТнинг юқори минбаридан туриб бот-бот кўтарган, хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича

кенгаши 46-сессиясида сўзлаган нутқида: “Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймайиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир”, дея таъкидлаган эди.

▶ Давоми 3-бетда

### ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

## АГАР ДУНЁДА БИТТА АЁЛ ҚОЛГАНДА ҲАМ ЗАРГАРЛАР УЧУН, АЛБАТТА, ИШ ТОПИЛАДИ

Ушбу иборанинг аҳамияти бугунги кунда ошса ошиб бораётгани, асло камайгани йўқ. Маълумотларга қараганда, жаҳон заргарлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми йилига 5-6 фоиз ўсаяпти, товар айланмаси 250 миллиард доллардан ошиб кетди. Заргарлик тармоғи ҳар қачонгидан кўра кўпроқ бири-бирдан ноёб, нафис, қимматбаҳо зебу зийнат, дуру гавхарларни таклиф этмоқда.



▶ Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО ФОРУМ ОЛДИДАН

МДҲДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ФАОЛЛАШАДИ

Бошланиши 1-бетда

Таъкидланганидек, мазкур форумни ўтказиш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан МДҲ давлат раҳбарлари саммитида илгари сурилган эди.

Ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича онлайн мулоқот МДҲ мамлакатларининг 50 дан зиёд етакчи эксперти жамлаши кутилмоқда. Унда нафақат халқаро ташкилотлар, МДҲ мамлакатлари етакчи таҳлилий марказлари вакиллари, балки тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, нуфузли иштирокчилар таркиби ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги сўнгги тенденцияларни муҳокама қилиш, тизимда ноқонуний ҳолатларга қарши курашишнинг мақбул усуллари ишлаб чиқишда пухта ўйланган ва мувофиқлаштирилган ёндашуви келиши олиш имконини беради.

Давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, хизматлар, бизнес ва бошқа соҳалар рақамлаштириш суръатларини бир неча баробар тезлаштирган корона вирус пандемиясининг глобал оқибатлари ҳам форумнинг долзарблигини ва ўз вақтида ўтказилаётганини тасдиқламоқда.

Рақамли технологиялар жадал ривожланиши ахборотдан ноқонуний фойдаланиш хавфини келтириб чиқараётир. Натижада тармоқларга нафақат катта моддий зарар етиши, балки фуқаролар ҳаёти хавфсизлигига хавф туғилиши эҳтимоли ҳам ошиб бормоқда. Бундай шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлат ва жамият ривожининг асосий омилларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Шу маънода МДҲ доирасида саяё-ҳаракатларни бирлаштириш ва ташкилотга аъзо давлатларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, турли амалий мақсадлардаги ҳамкорликнинг ахборот тизимларини яратишга

қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган эътиборидир. Хусусан, 2020 йилда МДҲга Ўзбекистон раислик қилган даврда давлат раҳбарлари томонидан тузилгани янада ривожлантириш концепцияси ва МДҲни 2030 йилгача иқтисодий ривожлантириш стратегияси имзоланди.

Рақамли иқтисодиётни ва рақамли кўникмаларни ривожлантиришда ҳамкорликни чуқурлаштириш ушбу ҳужжатларда талаб энг юқори бўлган ҳамкорлик соҳалари сифатида белгиланган. Шу сабабли ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва АКТдан фойдаланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашишга катта аҳамият берилган.

Ўзбекистон томонидан ташкил этилаётган биринчи халқаро эксперт форуми рақамлаштириш соҳасидаги сўнгги тенденциялар ва ютуқлар бўйича фикр алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Тадбир ахборот маконида долзарб хатарларга қарши курашишдаги илгор миллий тажриба билан ўртоқлашиш имконини беради.

Форумнинг асосий мақсад ва вазифалари МДҲни янада ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларига мувофиқ белгиланган. Унда рақамли иқтисодиёт ривожланиши шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жиноятларга қарши курашиш, ахборот инфратузилмаси объектиларини техник ҳимоялаш ва кибержиноятларни тергов қилиш, ахборот маконида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш каби муҳим масалалар муҳокама қилинади.

Форум якунлари бўйича МДҲ доирасида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олган якуний ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

МУНОСАБАТ



Ражаб АДАШЕВ, Ўзбекистон халқ артисти

Кейинги йилларда ҳаётимиз ангилик ва хушxabарлар билан бойиб боришига кўникиб қолдик. Аслида бу ўзгаришлар замирида қанчадан-қанча интилиш ва изланишлар борлиги табиий, албатта. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорини эшитганимда кўз ёшларимни базўр тийдим. Чунки мен бир пайтлар афсонавий Тошкент халқаро кинофестивалида иштирок этганман.

АФСОНаВИЙ КиНОФЕСТИВАЛЬ ТИНЧЛИКСЕВАР ҚАЛБЛАРНИ ЯНА БИРЛАШТИРАДИ



1968 – 1997 йилларда Ўзбекистон пойтахтида дунёга машҳур Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали ўтказилган. У "А" тоифадаги мақомга эга бўлган ва FIAРFда аккредитациядан ўтган. Бу мамлакатлар ва қитъаларни бирлаштира олган юқори даражадаги тадбир эди. 1968 йилда ўтказилган биринчи фестивалда Осиё ва Африканинг 49 мамлакатидан вакиллар иштирок этган. Ундан кейинги йилларда бу рақам яна ошиб бораверган. Машҳур кинорежиссорлар, маданият ходимлари, жамоат ва сиёсат арбоблари фестивал меймонлари бўлган.

Ражаб Капур, Амилтаб Баччан, Митхун Чақраборти, Никита Михалков, Чингиз Айтматов, Анжела Дэвис, Элизабет Агилар Гонсалес, Сергей Герасимов, Тамара Макарова, Нонна Мордюкова, Ирина Мирошниченко, Канн кинофестивали президенти, Африка мамлакатлари, Лотин Америкаси кино соҳаси мансабдорлари ва бошқа кўплаб таниқли шахслар шулар жумласидандир.

Тошкент фестивалига қизиқиш жуда катта бўлган. Президентимиз ташаббуси билан қайта

тикланаётган кино байрами бежиз "Ипак йўли дурдонаси" деб номланмади. Шарқ ва Ғарбни боғловчи қадимий Буюк ипак йўли азалдан маданиятлар, билим ва кўникмалар алмашинувида хизмат қилган. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент халқаро кинофестивали ҳам айнан шу вазифаларни бажаради.

Умид қиламизки, қайта тикланаётган фестивал ўзбек киносини янги босқичга олиб чиқишда катта аҳамият касб этади. Яна бир бор кинофестиваль иштирокчиси бўлиб, юлдузли онларнинг гувоҳига айлансам, ўзимни янада бахтиёр ҳис этаман.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда ўзбек киносида жуда яхши бадиий ва ҳужжатий фильмлар суратга олинди. Ушбу фильмларнинг аксарияти халқаро танловларда ҳам юксак эътирофларга сазовор бўлди. Демак, сентябрь-октябрь ойларида ўтказилиши мўлжалланаётган "Ипак йўли дурдонаси" кинофестивали аввалгиларидан ҳам шуккули ва самарали бўлиши аниқ. Энг муҳими, мазкур анжуман эзгу мақсадлар сари интилаётган тинчликсевар қалбларни бир-бирига боғлайди, қизгин муҳокамалар ва дилтортар сўхбатларга бой бўлади.

"Янги Ўзбекистон" учун махсус

Ерни онлайн кимошди савдолари орқали сотиш шаффофликни таъминлайди

Ўзбекистон Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий ва илмий-академик доираларида қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси маълумотига кўра, иқтисод фанлари доктори, "Putra" университети катта илмий ходими, "Fuoka" ёш тадбиркорлар ассоциацияси президентининг маслаҳатчиси, "Shunde" Малайзия — Хитой ассоциацияси вице-президенти Чи Чи Минг ушбу ҳужжат аҳамиятини қуйидагича изоҳлади:

— Қабул қилинган фармон ер муносабатларини амалга оширишда тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уни бозор активига айлантиришга кўмаклашди. Буларнинг барчаси, менинг фикримча, мамлакатнинг обрўсини янада оширишга ҳамда хорижий компаниялар учун

ишончли барқарор шерик сифатидаги мавқени мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат ҳам-ма учун ер участкаларини ажратишнинг шаффоф, бозор тамойиллари асосидаги ва тенг ҳуқуқли тартиби жорий этилишини таъминлагани баробарида ер эгаларига мулк ҳуқуқларини кафолатлайди, уларни фуқа-

ролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритади. Онлайн кимошди савдолари орқали ер участкаларини сотиш ушбу соҳанинг шаффофлигини таъминлайди ва аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Умуман олганда, давлат раҳбари томонидан ер муносабатлари соҳасида қабул қилинган фармон Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг яна бир муҳим механизмига айланди ва республикада экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар эшикларини очди, деб уйлайми.

Қуала-Лумпур "Дунё" АА

СОҒЛОМ ТУРМУШ

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори

Жисмонан ва маънан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи оммавийлигини таъминлаш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга боғлиқ.



Албатта, шу вақтгача жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида мамлакатимизда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, улар-

нинг ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Аммо спорт-соғломлаштириш жараёнини ташкил этиш, аҳолининг жисмоний қобилиятини

аниқлаш ва рағбатлантириш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўлмаган. Бундан ташқари, айрим мутахассислар бу масалани ўз нуқтаи-назарларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилаётган ягона тизим ишлаб чиқилмаган эди.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз томонидан жорий йил 16 июнь кунини имзоланган "Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор уч жиҳати билан аҳамиятли.

Биринчи муҳим жиҳати, мазкур қарор аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, фуқароларни турли зарарли одатлар, касалликлардан асраш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш борасидаги

жисмоний қобилият, ҳаракат фаоллиги ва жисмоний тайёргарлик даражасини тўғри таҳлил этиш имконини беради. Бу ўсиб келаётган ёшларда ўз билим ва кучига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди, уларда юртни севиш, уни асраб-авайлаш, ватанпарварлик ва сadoқат хислатларини ривожлантиради, интеллектуал салоҳиятти, юртимиз мудофаасига шай кадрларни тайёрлашга асос бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудда, олис қишлоқлардан тортиб шаҳар марказигача, аҳолини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада яхшилаш мезонлари қайта тайёрланиб, халқаро стандартлар, илгор хорижий тажриба асосида жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг мезонлари татбиқ этилади.

Учинчи муҳим жиҳати шуки, махсус ва ихтиёрий равишда аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача, ҳатто ундан катта қатламларининг жисмоний тайёргарлигини аниқлайдиган баҳолаш тизими йўлга қўйилади. Беvosита Туризм ва спорт вазирлиги масъулиятида спорт синовларининг поғона ва мураккаблик даражаси белгиланиб, узоқ ва қисқа масофаларга югуриш, сузиш, турникка тортилиш каби спортнинг 15 туридagi машқларни иштирокчилар 11 та ёш тоифаси бўйича топширади. Уларга эгаллаган ўрни ва даражасига қараб спорт разрядлари ва унвонлари берилади.

Бундан ташқари, қарор билан бир неча имтиёзлар ҳам жорий этилдики, булар аҳоли учун енгиллик ва қулайлик яратади, уларни рағбатлантиради.

Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг "йўл харитаси" ишлаб чиқилди ҳамда олдимизда бир қатор ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни белгилаб олдик.

Жумладан, университет жамоаси Чирчиқ шаҳрида жисмоний фаолликни кўллаб-қувватлаш ва спорт-соғломлаштириш ишларини кенг тарғиб қилиш учун етарли шарт-шароитни яратишга кўмаклашади. Ушбу таълим муассасаси

си жойлашган ҳудуддаги маҳаллаларда спорт-соғломлаштириш акциялари, муосбақалар ва турли танловларни ташкил этиш асносида спорт синовлари тарғиботи йўлга қўйилади. Университет спорт базасидан фойдаланган ҳолда спорт синовларининг махсус талабларини бажариш мақсадида турли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш, спорт синовлари расмийлаштирилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, университет атрофидаги маҳаллаларда яшовчи аҳоли қатламига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш имкониятини имтиёзли ҳамда тартибли ташкил этиш каби вазифаларни босқичма-босқич бажаришни ҳам мақсад қилдик.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз қарори аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиши тизимли йўлга қўйиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли одатлардан асраш ҳамда ҳар бир маҳалла, таълим муассасаси, меҳнат жамоасида жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини шакллантиришда асосий кўрсаткичларни белгилаб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА МЕБЕЛСОЗЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



ҚУЙИДАГИ ХАРАЖАТЛАР ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ҚОПЛАНДИ:

2021–2024 йилларда йиллик тушумида тайёр мебель маҳсулотлари экспортини тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиладиган маҳаллий корхоналарнинг хомашё (ПНФ ТН бўйича 4410 ва 4411 кодлари) ИМПОРТИ УЧУН САРФЛАНГАН ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 50 ФОИЗИ МИҚДОРИДА;

2023 йил 1 январга қадар



Қарорга кўра, ҲУДУДЛАРДА КЛАСТЕР УСУЛИДА МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ (15 ТА) ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.

Кичик sanoat зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонлари мулк ҳуқуқи асосида электрон ОНЛАЙН-АУКЦИОН ОРҚАЛИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ.

Кичик sanoat зоналарини ташкил қилиш учун ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларни ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ, ИСТИСНО ТАРИҲАСИДА, УНДИРИЛМАЙДИ.

2024 йил 1 январга мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт қилувчи корхоналарга мебель маҳсулотларини барча давлатларга, шу жумладан, қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл ташкил харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсулот экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобиль транспортда 5 ФОИЗДАН, ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА 7 ФОИЗДАН КЎП БЎЛМАГАН МИҚДОРИДА.



мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айрим хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитур ва аксессуарлар импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади.

Шунингдек, 2022 йилдан ҳар йили май ойида Мебель халқаро савдо кўргазмаси ("UZBEK INTERNATIONAL FURNITURE FAIR") ўтказилади.



ЗАМОНДОШ

# “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”

## БАХШ ЭТГАН ҚАНОТ

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

“Нархи қанча экан буларнинг”, деб сўради баяги аёл қимтинибиғина. “Бу 20 минг, мана бу 25 минг сўм, яна келишамиз”, деди сотувчи ширинсуханлик билан. Аёл иккала боласига ҳам биттадан сумка харид қилди. Болалар хурсанд бўлиб бири-бирига сумкачасини кўз-кўз қила кетди. Уларнинг шодлигини кўриб онанинг ҳам дили яйради. Менга қарата, “опа, нархи арзон, ўзиям пишиққина тикилган экан, анча мuddат фойдаланишга етади, совғага олиб борса ҳам бўларкан”, дея гап қотди. Мен ҳам унинг фикрини тасдиқладим.

Сотувчидан бу сумкачалар қаерда ишлаб чиқарилганини сўрадим. Бу сумкачалар пойтахтимизнинг Чилонзор тумани “Тирсақобод” маҳалласида яшовчи Саида Абдусатторова хонадонидида илҳамига җаҳдан ишлаб чиқарилган экан.

Саидахоннинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида уни йўқлаб маҳалласига бордик. Бизни маҳалла гузарига раис ўринбосари Сабоҳат Жуманазарова кутиб олиб, Саидахонни киниги бошлади. Ҳовлида қурилиш авжида. Саидахон ноқулайлик учун узр сўраб, бизни ҳовли ертўлида жойлашган тикувхонасига бошлади. Бу ерда учта замонавий тикув машинаси ўрнатилган. Ажабланирлиси, тикув машиналарини Саидахон ва унинг фарзандлари — 12 ёшли Мавлудахон, 10 ёшли Шохруҳбек ишлатади, кичкинтой — 6 ёшли қизалоқ ҳам улар атрофида гирдиқалапак.

### МОМОЕРОС КАСБ

Тикувчилик Саидахоннинг қонида бор. Унинг онаси Луиза ая катта фабрикаларда ишлаган, соҳа бўйича тажриба орттирган моҳир тикувчи. Луиза ая бу касбнинг машаққати билан бирга инсонга берадиган ҳаловатини ҳам яхши англаган ва фарзандларига болалигидан ҳунар ўргатган. Жумладан, Саида ҳам тикувчилик сирларини чуқур ўрганиб, онасининг ёнида кўмакчи бўлган. Оила қургач, бирин-кетин фарзандлари дунёга келди. Уларнинг тарбияси билан банд бўлиб, бирор мuddат ўз касбидан йироқлашди. Бундан уч йил аввал юрагига яна орзу-ҳавас барқ ура



бошлади. Онасидан маслаҳат сўради, бозордаги эҳтиёжни ўргана бошлади. Аммо маблаг йўқ, қолаверса, турмуш ўртоғи болаларни, уй-рўзғорни ташлаб тикувчилик билан банд бўлишига рўйхушлик бермади.

Бирок Саиданинг юрагига порлаган умид учқунлари сўнмади, аксинча алангаланаверди. Бир кун у турмуш ўртоғидан пул сўради. “Ўзимни бир синаб кўрай. Агар ишим ўхшамаса, йиғиштириб қўяман”, деди. Пул қўлга теғди. Саида вақтни чўзмай дарҳол ишга киришди, бозордан керакли мато ва маҳсулотларни харид қилиб, дарҳол тикув машинасига ўтирди. Хаёлида анча пайтдан буён айланган юрган дизайн ва нақшларни матоларга жо қилди. Натижада бежиримгина болалар сумкачалари пайдо бўлди. Уларнинг сони бор-йўғи олтига эди. Хаёлламай бозорга югурди, шундай маҳсулотлар сотилаётган расталардан бирининг олдига бориб, сотувчига маҳсулотларини кўрсатди. Маҳсулоти маъқул бўлди шекилли, “бундан яна қанча бор, бўлса олиб келинг”, деди сотувчи.

Гарчи бошқа тайёр маҳсулоти бўлмаса ҳам Саида яқин кунларда олиб келишга ваъда берди ва тезлик билан ишга киришди. Шу тахлит ишга кириши бораверди. Фақат маблаг етишмаслиги

иш ривожига таъсир қилар, катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш орзу бўлиб қолаётган эди.

### “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”НИНГ СИРЛИ МЎЪЖИЗАСИ

Саида оилага кўмак, ишига мадад бўлар, деган умидда жорий йилнинг бошида маҳаллага бола пули сўраб мурожаат қилди. Маҳалла раисининг ўринбосари Сабоҳат Жуманазарова Саиданинг оилавий аҳолидан хабардор бўлса-да, унинг яхшигина тикувчи эканини билмас экан. Онаси билан етаклашиб борган кичкинтой Сарвинознинг елкасига олиб олган сумкачасини кўриб унинг ҳам ҳаваси келди. Буни қаердан сотиб олганини сўради. “Ўзим тикаман”, деди Саида. “Шундай касбингиз бўла туриб, уйда ўтирибсизми, келинг, сизни “Аёллар дафтари”га киритай, банкдан кредит олиб тadbиркорликни йўлга қўйинг”, дея таклиф қилди. Саида “Аёллар дафтари” деган сўзни эшитиб аввал бироз чўчиди. Сабоҳат опа бу дафтари ташкил этишдан кўзланган мақсадни унга тушунтиргач, рози бўлди. Рози бўлди-ю, кредит олиш осон иш эмаслигини ўйлаб, бу ишнинг пишишига у қадар ишонмай уйига қайтди.

Орадан кўп ўтмай уни маҳалладан, банкдан, турли давлат, нодавлат ташкилотлардан йўқловчилар кўпайиб қолди. Тезлик билан кредит олиб, иш бошлаши учун мутахассислар унга барча йўл-йўриқни тушунтирди. Саида ҳам уларни ўз вақтида бажарди. Кредитга олинган тикув машиналари хонадонига ўрнатилган кун оилада байрам бўлиб кетди.

— Мана, қарийб уч ойдики, оиламиздаги кичкинота цехимизда иш тинмайди, — дейди Саида Абдусатторова. — Ҳар кунни ўнлаб болалар сумкачаси ишлаб чиқариб, бозорлардаги ҳамкорларимизга etkazиб бераман. Сумкаларнинг ҳар бирини 15 минг, каттароқларини 20 минг сўмдан топшираман. Ҳозир икки аёлни касаначилик асосида ишга ёлладим. Турмуш ўртоғим ҳовлимизнинг ертўлини тазмирлаб, кичкина тикув хона учун шароит қилиб берди. Болаларим билан шу ерда ишлаймиз. Ҳовли саҳнидаги бўш жойдан янги иморат кўтараялмиз. Битгач, катта хонага кўчиб ўтиб фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Ишчи кучини узоқдан излаб юрмайман. Маҳалламизда менинг касбимга қизиқиш билдираётган хотин-қизлар кўп, уларни ҳам иш билан таъминлаш ниятим бор.



Музаффар Абдумасев олган суратлар.

### АГАР ЯНГИЛИК БЎЛМАСА, БОЛАЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛЬ ЭТИШ ҚИЙИН

— Ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун, аввало, хаёлимда унинг дизайнини яратаман, сўнгра тасаввуримдаги безак ва жилларни матоларга тушираман, — дейди Саида. — Бугун болалар учун бирор маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни харидорга манзур қилиш анча машаққатли жараён. Зеро, болаларнинг ҳам ўз қизиқиши, орзу-умидлари бўлади. Улар бир хилликка тоқат қилмайдилар. Буни англамай туриб кичкинтойларнинг қўнғлига йўл топшиш мушкул.

Саида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари дизайнини яратиш учун болалар севиб томоша қиладиган мультфильмлар ва тасвирий санъат асарларини доимо кузатиб боради. Улардаги образлар ва рангларга эътибор беради. Бундан ташқари, атрофимиздаги олам, табиатнинг сўлим манзараларини акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Зеро, янгилик бўлмаса, жажжиларимизнинг эътиборини жалб этиш қийин. Шу боис, болалар маҳсулотини яратишда ҳар кун янгилик сари интилиш лозим.

### ОРЗУ ИНСОННИ ЮКСАЛТИРАДИ

Ҳар бир хайрли ишнинг боши орзудан бошланади. Саидахон ҳам гарчи бугун ўз соҳаси бўйича анча натижаларга эришган бўлса-да, хали юрагига тугиб қўйган орзулари бир олам. Саҳар туриб иш устига ўтирар экан, хаёллари уни мухташам, замонавий санъат корхоналари узра олиб кетади. Бир хил либосларда тикув машинасига турнақотор тизилиб ўтириб меҳнат қиладиган, ҳаётдан мамнун инсонларнинг чехраси кўз ўнгиде гавдаланади. Узини катта корхона етакчиси, моҳир тикувчи, етук дизайнер киффасида тасаввур қилиб кўради. Бир оила бекаси, уч фарзанднинг онаси бўлган бу аёлнинг



— Онаси билан етаклашиб борган кичкинтой Сарвинознинг елкасига олиб олган сумкачани кўриб унинг ҳам ҳаваси келди. Буни қаердан сотиб олганини сўради. “Ўзим тикаман”, деди Саида. “Шундай касбингиз бўла туриб, уйда ўтирибсизми, келинг, сизни “Аёллар дафтари”га киритай, банкдан кредит олиб тadbиркорликни йўлга қўйинг”, дея таклиф қилди. Саида “Аёллар дафтари” деган сўзни эшитиб аввал бироз чўчиди. Сабоҳат опа бу дафтари ташкил этишдан кўзланган мақсадни унга тушунтиргач, рози бўлди.

орзулари ана шундай осмон қадар чексиз. Бу учкур хаёлларни ҳақиқатга айлантириш учун эса бугун мамлакатимизда барча шароитлар мавжуд. Саида бу имкониятлар ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, ўзбек аёлининг оилада, жамиятда мавқеини ошириш, ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга ўз улушини қўшишга интиляётган замондошларимиздан бири. Серғайрат, тиниб-тинчимас, юраги ўтли бу синглимизнинг интилишлари, албатта, рўёбга чиқажак.

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# МИЛЛИЙ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ НИМА УЧУН МУҲИМ?



**Нилуфар НОДИРХОНОВА,**  
“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг 23-бандида қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат тайёрлаш

вазифаси белгилаб қўйилди. Лойиҳада Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича ваколатларини кенгайтириш, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ушбу ишларга жалб этиш, қийноқ ҳолатларининг олдини олиш тизимига рақамли технологияларни жорий қилиш, қийноқларни қўллашнинг олдини олиш жавобгарлигини кучайтириш, Олий Мажлис палаталари томонидан ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиш тартибини белгилаш назарда тутилган.

Шу муносабат билан қийноқ ҳолатларига қарши курашиш соҳасида қатор хориж давлатлари тажрибаси чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, ўттизга яқин — АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Норвегия, Германия, Хорватия, Арманистон, Бразилия, Дания, Тунис, Сенегал, Янги Зеландия, Словения, Қозғоғистон, Қирғизистон, Украина, Беларусь, Ирландия, Польша ва бошқа давлатларнинг тажрибаси ўрганилди. Айниқса, қийноқларнинг олдини олиш тизими бўйича БМТ, ЕХҲТ, Европа кенгаши, Халқаро қизил ҳоч ва Қизил ярим ой жамиятлари федерацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди каби нуфузли халқаро ва хорижий ташкилотларнинг тавсиялари чуқур таҳлил қилинди.

Таҳлил натижалари, қийноқларнинг олдини олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар Миллий превентив механизми (МПМ)нинг самарали тизимини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. МПМнинг асосий вазифаси жазони ўташ муассасаларига ташриф буюришдир. Халқаро ҳуқуқий нормалар МПМнинг муайян ёки махсус шаклини назарда тутмайди. Аксинча, улар ҳар бир иштирокчи давлатга миллий даражада қийноқларнинг олдини олиш учун бир ёки бир нечта мустақил миллий превентив механизмларни қўллаб-қувватлаш, тайинлаш ёки яратиш имкониятини беради. Давлатлар янги органларни

ташкил этиш ёки мавжуд органларга, шу жумладан, марказлашмаган идораларга МПМ функцияларини бажариш топшириғини бериши мумкин. Бу борада афзал моделлар мавжуд эмас, энг муҳим омил — ташриф ва бошқа функцияларни амалга ошириш бўйича ўз мустақил ваколатларини амалга ошириш механизмининг талабларга мувофиқлиги.

МПМ функцияларини миллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муассасалари, жумладан, омбудсман институтини (Озарбайжон, Люксембург, Норвегия, Украина, Хорватия, Арманистон, Швеция, Қозғоғистон), “Омбудсман” модели (Дания, Молдова, Сербия, Бразилия, Россия), инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиялар (Мальдив ороллари, Маврикий, Янги Зеландия), маслаҳат комиссиялари (Мали, Қирғизистон), шунингдек, қийноқларга қарши кураш бўйича ихтисослашган органлар (Германия, Тунис) бажариши мумкин.

Бунда қийноқларга қарши курашиш бўйича самарали Миллий превентив механизмининг асосий мезонлари мустақил бўлиш (ваколат, фаолият, молиялаштириш), омилкор аъзолар, стратегиянинг самардорлигини мунтазам баҳолаб бориш, юклатилган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВни кенг жалб этиш каби йўналишлардан иборат.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар Миллий превентив механизмининг (МПМ) самарали тизимини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. МПМнинг асосий вазифаси жазони ўташ муассасаларига ташриф буюришдир. Халқаро ҳуқуқий нормалар МПМнинг муайян ёки махсус шаклини назарда тутмайди. Аксинча, улар ҳар бир иштирокчи давлатга миллий даражада қийноқларнинг олдини олиш учун бир ёки бир нечта мустақил миллий превентив механизмларни қўллаб-қувватлаш, тайинлаш ёки яратиш имкониятини беради.

### МПМНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МИНИМАЛ ВАКОЛАТЛАРИ СИРАСИГА ЭСА:


- МПМ ташриф буюриши истаган қамқоқхоналарни эркин танлаш ҳуқуқи;
- ушбу жойларда озодликдан маҳрум этилган шахслар билан мулоқот қилиш масаласини мунтазам кўриб чиқиш ҳуқуқи;
- бундай ташрифлар мuddатини танлаш ва уларни эълон қилиш ёки қилмаслик ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи;
- суҳбатлашиш истагиде бўлган шахсларни танлаш ҳуқуқи;
- ўз ваколатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар қандай ахборот, жумладан, шахсий ва чекланган ахборотдан фойдаланиш, шунингдек, биноларга кириш ва шахслар билан мулоқот қилиш ҳуқуқи;

— тегишли ҳокимият органлари ва бошқа субъектларга тавсиялар тақдим этиш ҳуқуқи;

— амалдаги қонунчилик ёки қонун лойиҳаларига тааллуқли таклиф ва мулоҳазаларни тақдим этиш ҳуқуқи каби йўналишлар қиради.

2019 йил март ойидан буён Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Миллий превентив механизми функцияларини бажариб келмоқда. Шу боис, Омбудсман шафелиги остида қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала, жазо турларининг олдини олиш учун миллий даражадаги мустақил муассаса сифатида Миллий превентив механизми ишчи ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимдир.

Уйлаймики, бу борадаги ишларни такомилга etkazиб, тизимли давом эттириш қийноқларга қарши курашишда катта ютуқларни қўлга киритиш йўлида муҳим омил бўлади.



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# АГАР ДУНЁДА БИТТА АЁЛ ҚОЛГАНДА ҲАМ

## заргарлар учун, албатта, иш топилади



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**  
иқтисодий шарҳловчи

Бошланғичи 1-бетда

Айни пайтда дунё бозоридаги олтиннинг 50 фоиздан, яъни 2200 тоннадан зиёди, кумушнинг 20 фоиздан, яъни 6500 тоннадан ортиғи заргарлик буюмлари тайёрлашга ишлатилади. Юртимизда эса йилига икки тонна атрофида заргарлик маҳсулотлари сотилади. “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси маълумотиغا кўра, жорий йилнинг январь-май ойларида ички бозорда 300 килограмм олтин ва 255 килограмм кумуш харид қилинган.

### ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

Бу нақл тилга олинганда, қалб илҳоми, катта сабр билан яратилган нафис ва гўзал заргарлик маҳсулотлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Улар заргарнинг наинки бой истеъдоди ва фантазияси, балки нодир металллар илмини, кимёвий хоссаларини ва уларнинг миллиграммларидан қандай миқдорда фойдалана билиш санъатини яхши ўзлаштиргани тўғрисида дунёга келади. Масалан, кумуш яхши силлиқланади, ишлов бериш учун юмшоқ, чўзилувчан бўлиб, ундан ясалган заргарлик ва санъат буюмлари юқори даражада нур қайтариш хусусиятига эга. Мис ва кумуш буюмлар устига юпка олтин қоплама берилса, улар янада чирой очилиш баробарида узоқ йиллар давомида ўз хусинини йўқотмайди.

Олтин ҳам кумуш каби хоссаларга эга бўлгани учун уни ингичка сим сифатида чўзиш ва хамирдек юпка пластинка шаклида ёйиш мумкин. Мутахассисларнинг билдиришича, замонавий технологиялар асосида 1 грамм соф олтиндан узунлиги 3 километргеча бўлган нозик сим ёки 50 квадрат метр ўта юпка қоплама тайёрласа бўлади. Бунда олтиннинг ранги билинар-билинимас мовий-яшил тусга кирди...

Умиджон Ҳикматов бу каби ўғитларни устози Рустам Пулатовдан металллар хоссаларини, улардан оддий тақинчоқлар ясаш сирларини кунг билан ўрганган. 2011 йилгача Сағбондаги касб-хунар коллежиди тахсил олиш баробарида заргарлик тўғрисида ҳам қатнади. Олтин билан ва орттирилган муайян кўникма ўзи унда уста сифатида дастлабки тақинчоқларни ясашда қўл келди. Аниқроғи, улар рисоладагидек чиқмаган бўлса-да, келгуси ишларига ишонч уйғонди. Уққан амалларини сабр-тоқат билан сайқаллаштириб бориб, кўп ўтмай яқин қариндош ва қўшниларидан буюртма оладиган устага айланди.

— Яқин пайтгача хомашёни буюртмачининг ўзи келтирарди ёки “қора бозор”дан олишга тўғри келарди, — деб эслади заргар. — Шу боис, ҳадиқ билан ишлардик. Бунинг устига, яқка тартибдаги заргар-тадбиркорлар ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқига эга эмас эди. Айрим пайтлар воситачи дўконларга топширишга мажбур бўлардик.

Ҳақиқатан, заргарлар ана шундай чекловлар занжири остида ишлаган. Тўғри, давлат корхоналарида заргарлик буюмлари ва ҳар хил тақинчоқлар ишлаб чиқарилган. Лекин бир қоллидаги зеб-зийнатлар кўпинча кўнгли нозик, диди юксак харидорларнинг истагига тўғри келмаган. Қолаверса, заргарлик корхоналари асбоб-ускуналарининг 80 фоизи эскирган, айримларида ишлаб чиқариш тўхтаган эди. Шунингдек, аслик даражасини белгилаш, тайёр заргарлик буюмларини чет элга олиб чиқишга оид тартибларнинг мураккаблиги ҳам аҳоли ва тадбиркорларга ноқулайлик туғдирарди.

Айниқса, қимматбаҳо металлларни заргарларга сотишдаги мавжуд чекловлар соҳа ривожига катта тўсиқ эди. Шу боис, уни бартараф этиш мақсадида 2019 йил 1 мартдан бошлаб қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқарувчиларга биржа орқали тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилди. Лекин тилла, платина ва кумуш нархининг юқорилиги боис, уларни харид қилишга тизим корхоналари айланма маблағи етишмасди...

### ЧЕТДА ҚОЛГАН СОҲАГА ЭЪТИБОР ЎЗГАРГАЧ...

2019 йил 8 май санаси соҳа тарихида тубдан бурилиш ясаган кун сифатида муҳрланди. Худди шу кун Президентимиз заргарлик тармоғини ривожлантириш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга шариоитни кенгайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилгилида соҳани чинакам саноат даражасига олиб чиқиш вазифасини кўйди.

Уша йили 18 майда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардор ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

— Мен ўша пайтда заргарлик буюмлари тайёрлаш учун лицензияга эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркор эдим, — дейди Умиджон Ҳикматов. — Фармон билан бизга ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил равишда чакана тартибда сотиш, аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, тошлар ва улардан ясалган буюмларни сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Истаган пайтда бу борада брокер орқали биржага ҳам мурожаат қилишимиз мумкин. Яна бир қўлайлик шундаки, заргарлик буюмларимизга аслик даражасини мустақил белгилаш ва уларга бу белгини ўзимиз қўйиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Бу каби рағбатлардан руҳланган уста Чилонзор туманининг Мақсуд Шайхзода маҳалласида заргарлик устахонасини очди. Унга “Қолибри голд” номини қўйди ва шу ном остида ўнлаб заргарлик маҳсулотлари тайёрляпти. Беш шогирдини ишга олган. Аввалги ҳадиқ ва чекловлар эркин ишлаш ва янгидан-янги ғояларни ишга солиш иштиёқига алмашган. Лекин ҳар бир заргарлик буюми, хоҳ у сирга, билангузук ёки ҳадиқ этиладиган буюмлар бўлсин, сифатига ўзлари кафил. Шу боис, масъулият ҳам шунга яраша катта.

— Яқинда Ўзбекистон ва Афғонистон ишбилармонларининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган бизнес форумида, Тожикистондаги ана шундай кўргазмаларда иштирок этдим, — дейди заргар. — Уларда юртимизда тайёрланган бошқа маҳсулотлар каби заргарлик буюмларига ҳам қизиқиш катта бўлди. Эндиги мақсадим ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, заргарлик буюмларимиз экспортини йўлга қўйиш. Бу борада ҳам тадбиркорларга етарли шарт-шароитлар бор. Ҳозир бир қатор келишувлар устида ишляпмиз.

— Кўргазма ва фестиваллар миллий аъналаримизни кенг тарғиб қилиш, тармоққа за-

Шу билан бирга, Дубай (БАА) шаҳрида бўлиши режалаштирилган “World Expo — 2021”, кейинчалик хорижий давлатларда ташкил этиладиган барча нуфузли кўргазмалар доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилиши кўзда тутилган.

### ЧИНАКАМ САНОАТ ДАРАЖАСИГА ЧИҚИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз шу йил 15 январь кун пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ишга туширилган “Gold Moon Tashkent” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Қиймати 20,8 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳанинг салоҳияти катта. У Италия, Германия ва Туркиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналарда йилига 6 тонна заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Бизнинг мақсадимиз ёшларни замонавий технологиялар ва дизайнга ўргатиб, камида 10 минг нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш, — деган эди давлатимиз раҳбари корхона билан танишиш чоғида. — Ўзбекистон миллий брендини жаҳон бозорига чиқариши. Юртимизда хомашё,

“**Рағбатлардан руҳланган уста Чилонзор туманининг Мақсуд Шайхзода маҳалласида заргарлик устахонасини очди. Унга “Қолибри голд” номини қўйди ва шу ном остида ўнлаб заргарлик маҳсулотлари тайёрляпти. Беш шогирдини ишга олган. Аввалги ҳадиқ ва чекловлар эркин ишлаш ва янгидан-янги ғояларни ишга солиш иштиёқига алмашган.**”

қўлигул хунармандлар бор. Бу соҳа миллий аъналарини тиклаш, ўзгилгимизни англаш нуктаи назаридан ҳам катта пойдевор.

Корхона айни кунда ўзбек аънаванавий заргарлик буюмларини Европа дизайни билан янада бойи-



монавий технологияларни жалб этиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллий заргарларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Мираҳмедов. — Жумладан, Президентимизнинг шу йил 29 апрелдаги “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори биноан, 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда май ойида Бухоро шаҳрида Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали, унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдирот ва кўргазмалар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари таншил этилади. Фестивалга уйғун равишда Тошкент шаҳрида хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг “Uzbek Jewellery Fair” ийиллик халқаро кўргазма-савдоси ўтказилади.

тапти. Бунинг учун италиялик дизайнерлар билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Аслик даражаси ва сифатини кафолатлаш, олтинга ишлов бериш усулларини янгилаш асосида ноодатий зеб-зийнатлар ишлаб чиқаряпти, ҳар хил ўлчамдаги ёмбилар савдосини йўлга қўйишни, Ҳиндистон, Шри-Ланка,

Африка мамлакатларида ишлов берилган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан фойдаланиб, тақинчоқлар яратишни йўлга қўйган.

Заводга хомашё мамлакатимиздаги йирик тоғ-кон саноати корхоналаридан биржа савдолари орқали сотиб олинади. Заргарлик буюмлари “Фонон” бренди остида улгуржи ва чакана савдо орқали бозорга чиқариляпти. Шу ернинг ўзига жойлашган савдо дўконидан



қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган жозибдор заргарлик буюмларини харид қилиш мумкин.

Фахриддин Рўзиев бундан 33 йил муқаддам ўша кезде Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент заргарлик заводига муҳандис сифатида ишлаган. Кейинчалик унинг номи “Фонон”га айланганда ҳам фаолиятини давом эттирди. Тадбиркорлик салоҳиятини синовдан ўтказиш мақсадида 2011 йилда “Берилл голд” хусусий ишлаб чиқариш корхонасига асос солди. Унга ўрнатилган асбоб-ускуналар ҳар қандай услубдаги заргарлик буюмларини тайёрлаш имкониятига эга.

Коронавирус пандемиясининг салбий оқибатлари соҳани ҳам, унинг корхонасини ҳам четлаб ўтмади. Энг аввало, маҳсулотта буюртмалар камаяпти. Мана энди аста-секин ишлар юришиб борапти. Авваллари аҳолининг олтин тақинчоқларга эҳтиёжи катта бўлса, кейинги пайтда кумушдан ясалган буюмларга буюртмалар ортган. Бундан ташқари, ўттиздан ортқ хусусий тадбиркорнинг заргарлик дўконига шартнома бўйича ўнлаб турдаги зеб-зийнатлар етказиб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг заргарлик соҳасини ривожлантиришга қўрсатаётган эътибори, айниқса, шу йилнинг 22 февралда имзолаган “Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгиланган имтиёزلардан жуда мамнун.

— Мен узоқ йиллар ишлаган ва кейинги пайтда тўхтаб қолган “Фонон”нинг бугунги замонавий салоҳияти, тайёрлаётган маҳсулотлари саноатимизнинг ривожланиш даражасидан далолат беради, — дейди Фахриддин Рўзиев. — Буни соҳамиздаги ҳар бир ишлаб чиқарувчи амалда ҳис қилапти. Бир пайтлари биргина рухсатнома олишдаги қийинчиликларни бошидан ўтказган хунармандлар ҳозирги яратилган имкониятлар қадр-қимматини яхши билади. Бундай имконият интилиш, изланиш, янги лойиҳаларни ишга туширишга руҳлантиради. Биз ҳозир туркиялик ҳамкорларимиз билан мавжуд ишлаб чиқаришимизни кенгайтириш, хорижий ўта замонавий дастохлар билан жиҳозлаш режасини ниҳоясига етказиш арафасида турибмиз.

Президентимизнинг қарориди қимматбаҳо металллар тўғридан-тўғри шартнома асосида ёки товар-хомашё биржаси орқали нархининг 15 фоизлик аванс тўловини амалга оширган ҳолда 180 кунга кечиктириб тўлаш шартини олиш сотилиши кўзда тутилган. Бу жараёнда мутасадди банк кафолат бўлади. Ушбу қўлайлик тадбиркорларга, айниқса,

ўз ишини энди бошлаган хунармандларга айланма маблағларини тўлдириш, хомашёни олиш ва ишини юритишда катта молиявий кўмак бўляпти. Қолаверса, 2022 йилнинг 1 июлига қадар қимматбаҳо металллар ва маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш айланмаси қўшилган қиймат ва акциз солиғидан озод этилган.

### ПАЛАТАНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат аслик даражасини белгилаш палатаси реализация қилишга мўлжалланган қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмларининг аслик даражасини аниқлаш ва Ўзбекистон

Республикаси давлат тамгалари билан тамғалашни таъминлаб берувчи ваколатли орган ҳисобланади. Улар сотувга қўйилганда, амалдаги қонунга биноан, ўрғаниш ва тамғалаш тартибидан ўтиши керак.

Мақзур идора заргарлик маҳсулотларни сотадиган бизнес вакилларини амалда ҳам қўллаб-қувватлаб келади. Бугунги кунда мамлакатимизда 522 та тадбиркорлик субъектида ушбу фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома мавжуд.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ушбу тамойил юрдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига ва ишлаганига замин яратмоқда.

— Ишга туширилган янги намунавий лойиҳанинг моҳияти ҳам ана шу мақсадга қаратилган, — дейди Давлат аслик даражасини белгилаш палатаси раиси Бахтиёр Худойбердиев. — Бунда сифатсиз ва қалбаки маҳсулотларнинг сотувдан чиқариш, заргарлик буюмларининг қонуний савдоси учун шариоит яратиш, соҳада яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг сотиб олинган маҳсулотларининг сифати ва қонунийлигига ишонч ҳосил қилишини таъминлаш асосий ўрин тутди.

Биринчи босқичда палатанинг мобил гуруҳи Тошкент шаҳрининг Олой бозоридидаги ихтисослашган дўконларда ишловчи тадбиркорлик субъектларига қўмақлашди. Улар билан очик мулоқот йўлга қўйилиб, юзага келаётган масала ва муаммоларни ҳал этишга ёрдам берилди. Уларнинг ихтиёрига қўра, сотувдаги заргарлик буюмларини синаш ва тамғалаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида тадбиркорлик субъектларига хужжатлар билан ишлашда амалий ёрдам кўрсатилади. Бунинг учун мобил гуруҳга лицензиялаш бўлими мутахассислари киритилган. Масалан, бозорда рўйхатдан ўтган 28 та тадбиркорлик субъектидан 8 таси шу пайтга қадар мазкур фаолиятни амалга оширмаган, 4 таси эса ваколатли органи хабардор қилмаган ҳолда иш юритган. Палата ҳодимларининг ёрдами билан уларга тегишли рухсатномалар расмийлаштирилиб, эндиликда ўз фаолиятини қонуний асосда амалга оширадиган бўлди. Бу, ўз навбатида, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридида жарима тўлашдан сақланиш имконини берди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида Чилонзор туманидаги “Гольд центр” савдо марказида, учинчи босқичда эса пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Чорсу” савдо мажмуасида тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилади. Кейинги оилар давомида вилоятлар ҳамда сайёҳлик марказларидаги йирик савдо мажмуаларида ана шундай ишлар давом эттирилади.

Хуллас, тизимнинг саноат даражасига кўтарилиши ва қўлай ишбилармонлик муҳитига фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар, молиявий имконият ва рағбатлар етарли. Дунёнинг машҳур брендлари билан рақобатлашиш, миллийликка уйғун замонавий заргарлик буюмлари билан дунё бозорларини эгаллаш — асосий вазифа. Касб эгалари яхши билади, уч ярим миллиарддан ортқ аёл яшаётган бу дунёда заргарлар учун иш миқёси жуда катта, лекин улар қалбига йўл топиш, нозик дид ва хилқатларига мусоиб дурдоналар ясаш осон иш эмас. Шу боис, ўта юксак масъулият, катта кунг-сабр ва изланишлар эвазига яратилган ноёб ҳамда бетакрор заргарлик буюмлари бундан кейин ҳам олам аҳлини ҳайратда қолдираверади.



ИЛМ-ФАН

МИЛЛИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида биноан бу йил 1 апрелдан бошлаб олий таълим муассасаларида масофавий таълим платформалари ишга туширилди.



Юсуф АБСОАТОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШГА ИНТИЛЯПТИ

Бундай платформалар, аввало, талабалар учун мутлақо янги форматда, яъни виртуал муҳитда таълим олиши имкониятини яратди. Ушбу тизим мамлакатимиз олий таълим муассасалари учун янгилик бўлгани сабабли қатор замонавий лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Шу боис, ушбу таълим платформасини яратиш жараёнида бир қатор ишлар амалга оширилди.

АҚШнинг Coursera ташкилоти билан ҳамкорликда Coursera платформасидаги ҳаётнинг етакчи олий таълим муассасалари ва ташкилотларининг 430 йўналиш бўйича уч минг саккиз турдаги ўқув курсларидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди. Ҳозир икки мингдан ортиқ профессор-ўқитувчи ва талаба платформада рўйхатдан ўтди, ўқув курсларида онлайн таълим олинмоқда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда юртимиздаги алоқа операторлари томонидан олий таълим муассасаларининг масофавий таълим платформалари ва ахборот тизимларига киришда бепул ва бошқа таълим ресурсларидан фойдаланиш учун алоҳида имтиёзли трафикларни тақдим этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, “Uztelekom” миллий оператори жисмоний ва юридик шахслар

тариф режалари тўпламига ўзгартиришлар киритилди. Амалдаги тариф режаларининг 1 Мбит/секунд интернет тезлигига тўри келадиган нарх 61 минг 500 сўмдан 7 минг 500 сўмгача, яъни 8,2 баробар камайтирилди. Интернет тезлиги еттидан тўққиз баробаргача, ТАС-IX ва UZ-IX тармоқларига улалиш суръати эса ўндан йигирма беш баробаргача оширилди. Утган йили карантин даврида битирувчи курс талабалари учун битирув-малакавий ишини онлайн ёқлаш, дипломи ҳам масофадан туриб олиш имконияти яратилди. Мамлакатимизда биринчи бор QR кодли дипломлар берилди.

Лойиҳанинг “Ўқув жараёни” ва “Маъмурий бошқарув” ахборот тизимларининг дастлабки босқичи 2020–2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтказилган 43 та олий таълим муассасасида тест режимида жорий этилмоқда. Ахборот тизимида олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари, бакалавриат, магистратура талабаларига оид маълумотлар акс этади. Ушбу тизим орқали ҳар бир талаба ўзининг профили орқали фанларнинг электрон ресурслари, дарс ва назорат жадвали, давомати ва ўзлаштириши тўғрисидаги маълумотларни олиши мумкин. Ушбу ахборот тизимини жорий этиш орқали 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида талабалар рейтинг дафтарчаси, гуруҳ журналини бекор қилиш режалаштирилган.

электрон портфолио маълумотлари, медиапортал, маълумотлар базалари жойлаштирилди. Тингловчиларга қулайлик яратиш, видеомаърузалар каталогини юритиш учун медиапортал ишлаб чиқилди, унга видеомаърузаларни жойлаштириш тартиби йўлга қўйилди.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШДАГИ ПИЛЛАПОЯ

“Илм-фан — 2020” миллий ривожланиш дастури доирасида Нидерландиянинг “Elsevier” компанияси қошидаги Digital Commons дастури кўмағида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг нуфузли илмий журналлари платформасини яратиш бўйича келишув имзоланди.

“Elsevier” компанияси томонидан юртимиздаги олий таълим муассасаларининг 41 та илмий журнални ўзига бирлаштирган платформа яратилди. Унда ҳолисона тақриб тизими конфигурацияси қўлланади. Илмий мақолалар муайянифлари ҳамда тақризчилари тўғрисидаги маълумотлар махфий сақланади. Мазкур платформанинг яратилиши мамлакатимиз олимлари илмий фаолиятининг жаҳон илм-фани билан интеграциялашувида хизмат қилади. Маҳаллий илмий нашрларнинг сифати ва рақобатбардорлигини оширади. Энг муҳими, халқаро талабар асосида сифатли платформалар яратиш орқали Ўзбекистон Марказий Осиёдаги илмий ва таълим марказига айланиши йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Ҳамкорлик доирасида илмий журналлар муҳаррирларини тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва сертификатлаш ишлари олиб борилади. Нашрларнинг дизайни ва логотипи ишлаб чиқилади. ISSN талаб қилинадиган рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари бажарилади ҳамда халқаро талабар даражасида илмий мақолаларнинг рақамлашган архиви яратилади. Бу саноат ҳаракатлар давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида олий таълим муассасалари раҳбарлари учун белгилаб берган тўрт устувор вазифанинг учинчиси — олийгоҳлар илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ЭЛЕКТРОН БАЗАДА ЖАМЛАНАДИ

Яқинда Президентимиз раислигида олий таълим тизимидаги устувор вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қозғобозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш ҳақида ҳам сўз юритилди.

Рақамли университет лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган “Олий таълим жараёнларини бошқаришда ахборот тизими” олий таълим муассасаларидан олинандиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қозғобозликдан воз кечиб, бошқарув тизимини рақамлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. У “Маъмурий бошқарув”, “Ўқув жараёни”, “Илмий фаолият” ва “Молиявий бошқарув” ва статистика” ахборот тизимларини ўзига қамраб олади.

Олий таълим жараёнини бошқаришда ахборот тизимини жорий этишдан бир неча мақсад кўзланган. Олий таълим муассасалари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, тизимда ўқув, илмий, маъмурий ва молиявий жараёнларни автоматлаштириш, бюрократия тўсиқлар юзага келишининг олдини олиш ва молиявий харажатларни қисқартириш, талаба ва иш бериувчи ташкилотлар ўртасида узвийликни таъминлаш шулар жумласидан.



учун “Ta’lim” тариф режасини, шунингдек, махсус интернет-пакетлар тўпламини тақдим этди. “Mobiuz” мобиль алоқа оператори “Talaba” имтиёзли тариф режасини ишга туширди. Ушбу тариф режасида олий таълим муассасаларининг масофавий таълим ресурсларидан фойдаланиш мутлақо бепул. Янги ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим платформаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида барча олий таълим муассасаларидаги интернет тезлиги 50 Мбит/секунддан 1 Гбит/секундгача оширилди. Жумладан, “Ўзбектелеком” АК томонидан “МинВУЗ”

ТАЛАБАЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ИНТЕРНЕТ ТРАФИГИ

Масофавий таълим деган билан ҳамма талабалар ҳам интернетдан фойдаланишда бир хил имкониятга эга эмас. Бунга асосий сабаб интернет трафининг нархи билан бўлиб. Шу боис,

ЯНГИ ТИЗИМ

“ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ” ДАСТУРИ ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРА БОШЛАДИ

мутахассислар олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокорлик пунктлари ёки оилавий поликлиникаларга ишлашга борса, уларга 30 миллион сўмлик бир марталик пул маблағи ажратилади, хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади

Улуғбек РАҲМОНҚУЛОВ, журналист

БУРЧ, ВАЗИФА, ФАХР

Бугун тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда ҳам аҳолининг малакали тиббий хизмат олиши учун шароит яратилишига жиддий эътибор қаратилляпти. Шу мақсадда тиббиёт тизимида мутлақо янги механизмлар жорий этилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан, жорий этилган “Қишлоқ шифокори” дастури мана шундай ўзига хос янгиликлардан бири.

Шифокорнинг илк таассуротлари билан ўртоқлаш эканми, аввалога бу ерга келишга иккиланганини яширмади. “Шароит қандай?”, “Овулда ишлаш оламаними?”, “Маҳаллий аҳоли қандай кутиб оларкан?” деган табиий саволлар Шерзодни ўйлантирган бўлса-да, қатъий мақсади ва фидойилиги бу иккиланлишлардан устун келди. — Бу овулда анчадан буён шифокор ишламаган. Одамлар жуда олисдаги шифохонага боришга мажбур бўлган. Маҳаллий аҳоли ҳам малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу мақсадда бу ерга ишлагани келдим. Бунинг учун ҳамма шароит борми, демак, узоқ масофанинг аҳамияти йўқ. Мен учун элга хизмат қилиш — бурч, вазифа, фахр, — дейди ёш мутахассис.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, “Қишлоқ шифокори” дастури ижроси учун 2021 йилда давлат бюджетидан 20 миллиард сўм маблағ ажратилди. Тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасасини тамомлаган мутахассислар олис ҳудудларда жойлашган шифокорлик пунктлари ёки оилавий поликлиникаларга ишга борадиган бўлса, уларга камидан 3 йил ишлаб бериш шарти билан 30 миллион сўмлик бир марталик пул маблағи ажратилади, колаверса, хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Маълумотларга кўра, дастур жорий этилгандан буён 41 нафар тиббиёт ходими 51 ставкага ишга қабул қилинди. Шу билан бирга, Навоий вилоятида 7, Сурхондарёда 3, Фарғонада 4 ва Хоразм вилоятида 2 нафар — жами 16 нафар тиббиёт ходимининг ҳар бирига 30 миллион сўмдан пул маблағи тўлаб берилди.

Конимех туманидаги “Боймурод” оилавий шифокорлик пункти вилоят марказидан олисда жойлашган бўлиб, худуд аҳолиси учун тажрибали мутахассис зарур эди. Маҳаллий аҳоли шу кунгача тиббий

хизматдан фойдаланиш учун туман маркази ёки Навоий шаҳрига қатнади.

— Овулимизда шифокорнинг иш бошлаши кўнглимизни кўтарди, — дейди Қўндуз Бўронова. — Энди яқинимизда малакали шифокор борлигидан хурсандимиз. Шунинг ўзи овул одамлари кўнглига ишонч олиб кирди.

Сифатли тиббий хизмат инсоннинг кайфиятига, эртанги кунга бўлган ишончига таъсир қилади, десақ янгишаримиз. 3000 нафар аҳоли ашайдиган “Боймурод” овулидаги тиббий хизмат сифатида бўлаётган ижобий ўзгариш, янгилаш маҳалла аҳлини мамнун қилгани рост.

— Тўғрисини айтганда, шу вақтгача бизнинг ҳудудда дўхтир бўлмаган, четдан ҳам келмаган, — дейди меҳнат фахрийиси Маҳмуд Тангриқулов. — Қариялар бор, болалар бор. Улар касал бўлиб қолса, биринчи навбатда, “Энди қаерга олиб борамиз?” деган таъшишли хаёл ўтарди. Тасаввур қилинг, туман марказигача 200 километр. У ерга бориб келиш осон эмас. Мана энди дўхтир келиб, кўнглимиз анча хотиржам бўлди.

Овул оқсоқолларидан бири Саримхал Миркиёсовнинг фикрича, бу — ислохотларнинг амалий меваси.

— Мана шундай ташаббусларга бош-қош бўлаётган Президентимизга минг раҳмат, — дейди Саримхал бобо.

Бирламчи бўғинда янги иш услуби — “тиббий бригадалар” тизимининг жорий этилгани ҳам соҳада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга туртки берди. Энг муҳими, ёш шифокорлар ҳам бу ислохотларга “лаббай”, дея жаваб берапти.

— Янги тизимнинг яхши томони, халқнинг ичига ўзимиз кириб борамиз, — дейди Шерзод Бафоев. — Асосий иш вақтим оилаларда ўтмоқда. Натijaда ҳар бир киши қамраб олинади.

Чўлда ёз жуда иссиқ, қиш ўта совуқ бўлади. Шунинг ҳисобига аҳоли юқори нафас йўллари касал-



лигига тез чалинади. Бундан ташқари, гўшт маҳсулотлари кўпроқ истеъмол қилиниши туфайли қон босими кўтарилиши ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Профилактика-соғломлаштириш ишларини тўри йўлга қўйсақ, албатта, ҳаммасининг олдини олишимиз мумкин. Дастурнинг аҳамиятли томонлари бисёр. Улардан яна бири — чекка қишлоққа олий маълумотли шифокор келиб, овул болаларида илмга қизиқишни кучайтираётгани. Ота-оналар билан суҳбатда бунга амин бўлди.

— Шифокор келгандан бери ёшларда бу касбга қизиқиш ортан, унингдек бўлишга интилиш кучайган, — дейди Қўндуз Бўронова. — Ёшлар яхши кишилардан, касб-хунарли, ўқимшли инсонлардан ибрат олади-да. Шифокордан ўрнак олса, яна ҳам яхши.

Демак, энди мутахассисларнинг чекка ҳудудларга келиши тиббий хизмат сифати борасида олис ҳудудларда яшаётган минглаб юртдошларимизнинг дардларига дармон бўлиши баробарида шу ерлик ёшларнинг илмга қизиқиши, ўз келажаги учун мақсадли қадамлар ташлашига ҳам сабабчи бўлади.

ЮРАГИДА ЎТИ БОРЛАР УЧУН ЧЎЛДА ҲАМ ИШЛАШГА ШАРОИТ БОР

“Қишлоқ шифокори” дастури эълон қилингандан кейин кўпчилик мутахассисларда унга қизиқиш

пайдо бўлди. Лекин уларнинг орасида иккиланиб турганлар ҳам йўқ эмас.

— Бундай фикрга келадиган ҳамкасбларимга, дўстларимга шуни тавсия қиламанки, улар иккиланишдан воз кечини, ўзига ишонини керак, — дейди қаҳрамонимиз. — Юрагида ўти бор, элга хизмат қиламан, деган мутахассис учун ҳар қандай жойда, олис чўлда ҳам шароит етарли. Фақат ундан фойдаланиш керак. Ҳозир қон томир касаллиқларининг ҳаммасини шу ерда анкиллятимиз. Юракдаги ўзгаришларни ҳам анкилляшга қурбимиз етмади. Мавзуд уқунлар беморларни шу ернинг ўзида даволаш имконини беради. “Қишлоқ шифокори” дастурида ёш кадрлар олис ҳудудларда 3 йил меҳнат қилиши белгиланган. Шерзод Бафоевнинг 3 йилдан кейинги режалари билан қизиқамиз.

— Овул аҳли ишлашнинг хоҳласа, уларга керак бўлсам, уларнинг дардига малҳам бўла одам, қанча хизмат бўлса ҳам тайёрман, — дейди мутахассис.

Бугун ёш шифокорлар эътибор ва рағбатдан руҳланиб, чекка ҳудудларда тиббий хизмат сифатини кўтаришга, ўзларининг билим ва салоҳиятини сафарбар этишган ҳолда, аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга интиляпти. Шерзод Бафоевнинг оқилона қарори бунинг амалий мисоли. Инсонларнинг дардига малҳам бўлиши ўзига шараф деб билган мана шундай ёшлар, касб фидойилари бор экан, тиббий хизмат сифати, албатта, янги босқичга кўтарилади.

## ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

САЙЁҲСЕВАР ЮРТ  
Кун сайин сайқал топмоқдаҚАРИЙБ 5 МИЛЛИАРД СЎМЛИК  
РЕКОНСТРУКЦИЯ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқанд улкан туристик салоҳияти билан дунё сайёҳлари эътиборини тортди. Президентимиз вилоятга бу йилги ташрифи чоғида ҳудуднинг туризм салоҳияти, зиёрат туризмининг ривожлантиришга доир тақдирот билан танишиб, транспорт, йўл ва коммуникация тармоқларини яхшилаш, Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Айни топшириқлар ижроси юзасидан вилоятда қилинаётган ишлар суръати жадал. Бугун 366 та жойлаштириш воситасидаги хоналар сони 4 761 тага, улардаги ўринлар сони эса қарийб 11 000 тага етди. Меҳмонхоналар сони 165 тага, оилавий меҳмон уйлари сони 177 тага етиб, 2018 йилдагига нисбатан қарийб 2,5 баробар кўпайди.

Вилоятда сайёҳларга қўшимча қўлайликлар яратиш ҳамда маданий мерос объектлари ва

зиёратгоҳлар ҳолатини яхшилаш борасида кўп-лаб амалий ишлар бажарилди. Хусусан, 10 та зиёратгоҳ ва маданий мерос объектлари умумий қиймати 4 миллиард 700 миң сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, барча шарт-шароит яратилди. Эркин сайёҳларнинг белги-ланган туризм манзилларига қўлай ҳамда юқори сифатли хизмат кўрсатилган ҳолда етиб бориши учун Самарқанд темир йўл вокзалида туризм бекети очилди.

Худудда ички туризмни янада ривожлантириш мақсадида 2020 йил 15 декабрдан 2021 йил 15 январга қадар "туризм ойлиги" эълон қилиниб, вилоятдаги жойлаштириш воситалари томонидан 35 фойзгача, туроператорлар ва маданий мерос объектлари томонидан 45 фойзгача чегирма-лар тақдим этилди. Бунинг натижасида ойлик доирасида 102 мингдан ортиқ маҳаллий сайёҳ ташриф буюрди.



Сўнгги йилларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан туризмга оид қабул қилинган 30 дан зиёд фармон ва қарор ташки ва ички туризмни кенг ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмасини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада дастуриямал вазифасини ўтамоқда.

ЗИЁРАТДА ИМКОНИАТЛАРИМИЗ  
АНЧА КЕНГ

Таҳлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 148 миллион сайёҳ айнан зиёрат мақсадида сафар қилади. Жорий йилда ҳам пандемия билан боғлиқ вазият қайта мураккаблашмаган тақдирда Самарқандга келувчи зиёратчилар сонини 210 мингга етказиш имконияти мавжуд.

Хусусан, Индонезия, Туркия, Покистон, Малайзия каби давлатлардан Имом Бухорий меросига қизиқувчи 100 мингдан ортиқ, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Бангладеш каби давлатлардан Абу Мансур Мотуридидий меросига икломсман 26 мингдан ортиқ зиёратчи жалб этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Индонезия, Малайзия, Туркия, Татаристон ва Чеченистондан Хўжа Аҳрор Валий ва Маҳдуми Аъзам издошлари бўлган 43 миң зиёратчи, Хўжа Дониёр ҳамда яҳудийлар дини меросига талабгор 40 миңдан

ортиқ зиёратчини Исроил, АҚШ, Франция ва Россиядан жалб қилиш имконияти мавжуд.

Бунинг учун турли хорижий ҳамкорлар билан музокаралар ўтказилмоқда. Хусусан, Индонезиянинг кичик туризм уюшмалари ҳисобланган ASITA ва SAPUHI билан ҳамкорликда Самарқандга ҳар ҳафтада 2 та авиарейс ташкил этиш имконияти ўрганилмоқда. Бу билан 500 нафаргача сайёҳни Самарқандга олиб келиш, уларга 2 кун давомда зиёрат объектларида зиёрат турларини ташкил этиш бўйича битимлар имзоланган бўлиб, Жакарта — Самарқанд — Жакарта чартер рейсини йўлга қўйиш юзасидан "Uzbekistan Airways" билан музокаралар олиб боришмоқда.

Худди шундай ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалалари Ҳиндистон, Эрон, покистонлик шериклар билан ҳам муҳокама қилиняпти.

## МЕҲМОНЛАР МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНАДИ

Мавжуд режаларга кўра, сайёҳларнинг белгиланган туризм манзилларига қўлай, хавфсиз ҳамда юқори сифатли сервис кўрсатилган ҳолда етиб бориши, эркин сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонасига тугаш ҳудудларда ҳам туризм бекатлари ташкил этилади.

Имом Мотуридидий мақбарасини мотуридидия тарихи давомчиларининг зиёрат марказига айлантириш учун унинг атрофидаги 8 нафар буюк уламоннинг қабрлари қайта тикланиб, ободонлаштирилади. Имом Бухорийнинг устози Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий кўним топган зиёратгоҳни обод қилиш, Имом Бухорий мажмуасида бир вақтнинг ўзига 900 сайёҳга хизмат қилувчи меҳмонхоналар ҳамда 3000 зиёратчига мўлжалланган, "ҳалол" стандартига эга умумий оқватланиш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, Самарқанд қозғоли устaxonаси, ипак маҳсулоти ишлаб чиқариш, хунармандлик расталарини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, туризм йўналишларини диверсификациялаш ҳамда вилоятда хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг қўлиш мuddатларини узайтириш мақсадида 2021-2022 йилларда бир неча туризм маҳалласи ва туризм қишлоғи бунёд этилади. Айни пайтда эса, Қонун билан туризм қишлоғидаги 2-босқич қурилиш-бунёдкорлик ишларида 92 та туристик объект ва хизмат

кўрсатиш нуқтасини хунарманд ва тадбиркорларга бериш бўйича амалий ишлар бошланди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий, Исом Каримов кўчалари туризм кўчасига айлантирилиб, Мирзо Улуғбек, Давлатобод ва Озод Шарқ кўчалари кесилган ҳудудда "pub street" лойиҳаси амалга оширилади.

Айтиш жоизки, ҳозир вилоятнинг тоғли ҳудудларида туризмнинг экстремал ва тоғ туризми йўналишларини ривожлантириш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Ургант туманида Қоратепе-Омонқўтон тоғ туризми кластери ташкил этилади. Умумий қиймати 2 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа доирасида "Дўстлик" болалар оромгоҳида 100 ўринли болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 75 ўринга эга 20 та кемпинг, 100 ўринга мўлжалланган меҳмонхона комплексини барпо этиш ишлари бошлаб юборилган.

Қоратепе сув омбори ҳудудида замонавий дам олиш маскани ташкил этилиб, унда меҳмонхоналар, оқватланиш шохобчалари, спорт майдончалари қад кўтарди. Нуробод туманидаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳудудида эса, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида осма дор йўли қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

"Тепакул" ҚФЙда бир кунда 500 нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган дам олиш маскани барпо этилаётган бўлса,

Жомбой туманидаги Зарафшон миллий табиат боғи ҳудудида 15 та тадбиркорлик субъекти томонидан экотуризм дам олиш масканлари ташкил этилиб, ташриф буюрувчилар учун замонавий енгил конструкцияли кемпинглар, чўмилиш ҳавзалари, оқватланиш шохобчалари, кузатиш миноралари каби объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Умуман, Самарқандда 2021-2022 йилларда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан жами қиймати 3 триллион 337 миллиард сўмлик 126 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда 3 074 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

— Самарқандда зиёрат туризмни ривожлантириш ва вилоятга ташриф буюрувчи зиёратчиларга барча шарт-шароитларни яратиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Биз айнан шу йўналишда ишлаяпмиз. Уйлаيمانки, яқин келажакда Самарқанд зиёрат туризми йўналишида кўна етакчилар қаторидан жой олади, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Ботир Нуруллаев.

Мухтасар айтганда, Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ижроси Самарқанднинг туристик салоҳиятини тўла намоён этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Муножат МҲМИНОВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

## МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ноибхон МАМАДАЛИЕВА,  
филология фанлари доктори

Ичаётган сувимиздан тортиб, эгнимиздаги либосимизгача, яшаб турган хонадонимиз ва бошқарётган автомобилсимизгача — барчасининг талаб ва ўлчовлари бор. Бу талаблар техник жиҳатдан тартибга солиниб, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология масалалари алоҳида тизим сифатида ривожланди. Бугунги кунга келиб, соҳани таъминлаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланилмоқда.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ  
СОҲАСИДА

## ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар ISO ва МЭҚ таърифига мувофиқ, Ўзбекистон давлат стандарти (O'z DST ISO/IEC 2:207) сифатида қабул қилинган стандартлаштириш "...муайян соҳада тартибга солишни мақбул даражасига эришишга қаратилган фаолият"дир. Шу маънода, стандартлаштириш тизимининг ўзи ҳам, шунингдек, конструкторлик ҳужжатлари, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, техник-иктисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаш, ўлчовлар ягоналигини таъминлаш, путур етказмайдиган назорат, маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйиш, аккредитациядан ўтказиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, маҳсулотни синаш, сифат, хизматлар, атроф-муҳит муҳофазаси, фавқулодда вазиятларда хавфсизлик, техниканинг пухталиги каби стандартлаштиришга таянган бошқа тизимлар ҳам "муайян соҳа"лар бўлиб хизмат қилади.

Стандартлар негизда шакллантирилган ва ишлаётган мазкур тизимларни умумий "тармоқларо стандартлаштириш тизимлари" номи билан таърифланади. Ўзбекистонда шакллантирилган тизимларга "ЎЗ" аббревиатураси қўйилади. Масалан, Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (ЎЗСДТ), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими (ЎЗТДТ), Ўзбекистон сифат тизими (ЎЗСТ) каби. Ўз навбатида, Ўзбекистон тармоқларо стандартлаштириш тизимлари ЎЗТСТ шаклида белгиланади.

Ҳар бир соҳани ривожлантиришда унга хос атамаларга мурожаат қилиш, улардан ўринли фойдаланиш талаб этилади. Шундай экан, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимида соҳа атамаларидан фойдаланиш, давлат тилида иш юритиш қай ҳолатда, деган савол туғилади.

Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари риюя этилишини таъминлаш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий филиалларида давлат тилида иш юритиши, иш юритишда барча ҳужжатларнинг давлат тилида бўлишини таъминлаш бўйича қатъий назорат ўрнатилган. Тизимли равишда олиб борилаётган ишлар натижасида ижобий кўрсаткичларга эришиб келинмоқда.

Агентлик иш юритишдаги ҳужжатлар, мувофиқлик сертификатлари синов баённо-маларининг давлат тилида расмийлаштирилиши таъминланмоқда. Тизимдаги UzTest маркази томонидан 26 миң 454 та мувофиқлик сертификати, синов лабораториялари томонидан 45 миң 193 та синов баённо-маси ҳамда иш юритишдаги барча ҳужжатларнинг давлат тилида расмийлаштирилишига эришилди.

Ўзбекистон Миллий метрология институту томонидан 339 миң 335 дона ўлчаш воситасининг даврий қиёслаш сертификатлари, тадбиркорлар томонидан импорт қилинган 18 миң 550 дона ўлчаш воситасининг бир-ламчи аттестация сертификатлари ҳамда иш юритишдаги барча ҳужжатлар тўлиқ давлат тилида расмийлаштирилган. "Аккредитация маркази" ДУК томонидан мувофиқликни баҳолаш органларига кўрсатилган хизматлар натижасида 598 та аккредитация гувоҳнома-си тўлиқ давлат тилида расмийлаштирилди. Стандартлар институти томонидан қабул қилинган халқаро стандартларнинг 2 миң 720 таси давлат тилига ўпирилган, 66 та давлат стандарти қабул қилинган.

Агентлик тизими, унинг барча ҳудудлардаги филиалларида маънавий-маърифий ишларнинг тартиб этилишига эътибор кўча-чайтирилди. Барча ташқи ёзувлар, жумладан, лавҳа, эълон, реклама ва кўрсаткич ахборот матнлари, ташқи реклама воситалари-нинг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама

тўғрисида"ги қонун ҳужжатларига мувофиқ-лиги таъминланди.

Бугунги глобаллашув шароитида юқори сифатли, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш учун малакали мутахассислар зарур. Стандартлаштириш, метрология, серти-фикатлаштириш ва сифат менежменти со-ҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни бошқ-арининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобла-нади. Бу йўналиш бўйича соҳага оид атам-лар луғати йўқлиги ўқув жараёнида муайян қийинчиликларни пайдо қилиш билан бирга, миллий техник кадрлар тайёрлаш сифати-га ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг эъти-борга олиб, "Русча-ўзбекча изоҳли луғат" нашр этилди. Луғат метрология соҳасига доир жа-ҳон луғатчилиги манбаларидан фойдаланган ҳолда амалдаги давлат стандартлари асоси-да ишлаб чиқилган. Унга метрология, ўлчаш техникаси ва сифатни бошқариш соҳалари-даги давлатларо стандартлар, шунингдек, халқаро стандартларга оид асосий атамалар киритилган.

Луғатда дарслиқлар, илмий рисоалар, энциклопедиялар, турли луғатларда хар хил шаклда қўлланаётган миллий атамаларни бириктиришга алоҳида эътибор берил-ган ҳолда, энг кўп, муваффақиятли ишлати-лаётган стандарт шакллари танлаб олинган. Луғат билан танишар экансиз, унда жаҳон метрологик луғатларида қўлланган аъна-ларга риюя қилиниб, атамаларнинг алифбо уяли тизими қабул қилинган, унда бир сўз-дан иборат атамалар ҳам, уларнинг етакчи сўзлари ҳам умумий алифбо тартибида жой-лаштирилганини кўриш мумкин.

Луғатда изоҳлар лотин ёзувида ҳам берил-ган. Бу ҳол кирилл ёзувида одалгани қолган мутахассислар учун ҳам, лотин ёзувини ўз-лаштиришда қўлайлик туғдиради. Атамалар изоҳи луғатнинг экспериментал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳам ўзбек, ҳам рус ти-лида берилган. Бу рус тилидаги метрологик сўз ва бирикмаларнинг ўзбек тилида қандай фидоаланишини тўлиқ намоён қилади. Ўз навбатида, метрологининг рус тилида ўзлаш-тирган мутахассис, олим ва тадқиқотчиларга уларнинг ўзбек тилида метрологик фикрлаш доирасини бойитиш учун хизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кунда соҳада кенг қўлланаётган "Стандартлаштириш соҳасида халқаро атамалар билан йўғунаштирилган давлат тилидаги атам ва тушунчаларнинг изоҳли луғати"га Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ISO/МЭҚ халқаро стандартлари ва Жаҳон савдо ташкилотини-нинг ҳужжатлари ҳамда ЎЗТСТ атамашунос-лик стандартларида ўз аксини топган асосий атам, тушунча ва таърифлар киритилган. Луғатда атам, тушунча ва таърифларнинг барча варианты келтирилган. Улар ўзбек ти-лида лотин ва кирилл алифболарида ҳамда рус тилида берилган.

Луғатда рус тилидаги соҳага оид атам ва тушунчалар ўзбек тилида изоҳланган, муқо-бил варианты кирилл ва лотин алифбосида берилган. Лекин луғат ҳамма кичик бўл-гани боис, стандартлаштириш соҳасига оид барча атамаларни қамраб олмаган. Айни пайтда миллий стандартлаштиришнинг кат-та луғатини тузиш ва бу ишга тилшунос-луғатшуносларни жалб қилиш, луғатнинг янги тахрири устида иш олиб бориляпти. Ушбу изоҳли луғатга Ўзбекистон Республикаси қо-нунчилик ҳужжатларида, Халқаро стандар-тлаштириш ташкилоти ва Халқаро электро-техника комиссияси халқаро стандартлари ва Жаҳон савдо ташкилотининг ҳужж-атларида ўз аксини топган асосий атам, ту-шунча ва таърифларни киритиш назарда тутилмоқда. Бугунги кунда соҳага оид атам-аларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва истеъмолга киритиш, "Ўзбек тилининг изоҳ-ли луғати"даги сўзлар қаторига қўйиш усти-да ҳам иланиш олиб боришмоқда.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока"  
газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим Дониёров

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган кўләмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2052.  
Ҳажми — 3 табоқ, 08сет усулида басилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошмакова  
Мусахҳ: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 01:20 Топширилди — 01:50